

جديد

2024-yil 13-sentyabr
№ 38(38)
www.jadid-media.uz

Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

БУГУННИНГ ШЕЬРИ



Сирохиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

ГОЛИБЛАР ҚАСИДАСИ

Париж – 2024 Паралимпия чөмпионлариға

Эй, юртимнинг ёт элларда
ғолиб келган дилбандлари,
Парижни ҳам даст кўтариб
олиб келган дилбандлари.

Мен салгина шоирона
маҳобатга изн бердим,
Жаҳон кураш майдонига
сиздай ўғил-қизим бердим.

Неки десам ярашгайдир
буғун сизнинг шаъннингизга,
Ватан шаъни турар ахир ҳар
жаҳду, ҳар жангингизда.

Фарангистон фарангларин
лол айлаган лолаларим,
Эй сиз, меҳрим толаларим,
эй сиз, менинг болаларим.

Мен ҳам сизнинг ортингиздан
шөйрлар айтиб чопай дейман,
Бу дунёнинг кам-кўстларин
шеърим билан ёпай дейман.

Голиб бўлмоқ бизнинг томир
қонимида анъанадир,
Ёшлиқ ўзи кураш эрур,
ёшлиқ ўзи тантанадир.

Майли дунё, оқу қора
кучлар икки тараф бўлсин,
Юрт шаънини кўтаргувчи
фарзандларга шараф бўлсин!

Үйларимдан учирмалар
бўлиб кетган ўғил-қизим,
Менинг ёргу юзим, менинг
бу дунёда қолар изим.

Шу наевқирон, синовларга
тўлуғ шу ёш бошингизда,
Тақдир ўзи нотавону
ночор қолмиши қошингизда.

Эй ёронлар, мен сеянчнинг
олий дамларини кўрдим:
Кўзларига ёш қалқиган
давлат раҳбарини кўрдим.

Қизимдирисиз, боламдирисиз,
она тараф, ота тараф,
Миллат юкин миллат бўлиб
тортгандарга бўлсин шараф!

Дилбандлари Ватаним деб
ор талашса ёт элларда,
Ору номус, Ватан номи
жўш ургай миён дилларда.

Мен ҳам энди ҳар сатримни
зарбингизга мослаб қўшай,
Бор шеъримни пойнингизга
пояндозлар қилиб тўшай.

Сизникидир шу жонажон
янги бугу янги бўстон,
Шу онажон Ўзбекистон,
шу отажон Ўзбекистон!

Қизимдирисиз, боламдирисиз,
она тараф, ота тараф,
Миллат юкин миллат бўлиб
тортгандарга бўлсин шараф!

3-5.09.2024.

МИЛЛАТ ФИДОЙЛАРИ

МУСАХЎЖА ҲАКИМОВ – “КАТТА ТЕРРОР” ҚУРБОНИ



Мусахўжа Ҳакимов 1898 йили Бухорада қози оиласида таваллуд топган. Миллати ўзбек, дастлабки таълимни ўз даврининг йирик уламоси бўлган отасидан олган. Жадидлик мактабини тамомлаб, Бухородаги мадрасага ўқишига қабул қилинган.

Қаҳрамонимиз 1920 йил сентябрда амирлик тугатилиб, Бухоро халқ совет республикаси (БХСР) ташкил топганидан сўнг янги ҳукумат томонидан Бухоро тумани қозиси лавозимига тайинланган. 1922 йил 18 августда 3-Бутунбухоро советлари курултийи қарори билан БХСР аддия нозирининг биринчи ўринbosари лавозимида иш бошлаган.

(Давоми 7-саҳифада). >

КЕЧА ВА БУГУН

БЎЛАР ЭКАН-КУ!

...Куни кечада кетта келиним гап бошлаб қолди:

“Элатдаги фермер пахта теримига тушди. Ҳар кило пахтага бир ярим минг сўмдан берармиш. Мен ҳам борсам девдим...”

Ўтган йили шу келиним мавсумда – йигирма беш кун ичida уч тоннадан ортиқ пахта терган. Олган терим пуллига янги кўчган ўйларига замонавий музлатгич харид қилганди.

(Давоми 3-саҳифада). >

ДОЛЗАРБ МУАММО

ИСРОФ ва КАМБАҒАЛЛИК


Куни кечада мұхтарам Президенттің мамлакатда камбагаллики қысқартырып ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиши масалалари мұхокамаси бўйича видеоселектор ўтказди. Маълумки, бу ійналишдаги ислохотлар 2020 йилда бошланиб, ўтган йил якунларига кўра, камбагаллик даражаси 11 фоизга тушган. Инсон қадри тамойилини бош шиор қилиб олган жамиятимиз учун бу кўрсаткич қониқарли эмас. Давлаттимиз раҳбари кейинги йиллар учун “Камбагалликдан фаровонлик сари” дастури тайёрланётганини маълум қилди. “Бундан бўён камбагалликни қысқартыши имуммиллий ҳаракатга айланади! Ҳукуматдан тортиб, туман ташкилотигача барча бўғиндаги раҳбарларнинг кундалик иши ошаларни камбагалликдан олиб чиқиши бўлиши керак”, деб таъкидлайди Президент.

Камбагалликни қысқартыши кун тартибиға чиққан айни кунларда жадид боболаримиз тараққиётини энг катта душмани, деб эътироф этган исроф масаласи ҳам диққатимиздан четда қолмаслиги лозим. Бунда таом ва ноз-неъмат исроfigina эмас, балки тақдим этилаётган вақт, имкон ва имтиёзлар исроfiga ҳам чек кўйиш кераклигини барча бирдай англамоғи даркор.

МИЛЛАТНИЙ ЎЙГОТИШ

ОРЗУСИ

Шавкат Раҳмон деган
бир ўжар шоир,
бир куни қайтадан
ярападими?
Ҳаётим маънисин жуда
кўп ўйлаб,
сайладим сўзларнинг
сарапарини...



(4-саҳифада ўқини). >

АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК

“ЖОН ҚОЗОҚНИНГ ОҚИНАРИ ДЎСТИМАН, ЯҚИНИМАН...”

Қадимдан қон-қариндош, уруғдош, элдош, тилдош, диндош қозоқ бовурларимиз билан бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, қадрияларимиз бир.

Янги замонда Ўзбекистон Республикаси Президенти мұхтарам Шавкат Мирзиёев ва Қозогистон Республикасы Президенти хурмати Қасим-Жомарт Тоқаев жаоби олийларининг оқионана сиёсати натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари буғунги кунда иттифоқчилек даражасига кўтарилиди.

Яқиндагина рўй берган, аммо ўзининг теран мохијатига кўра, олтин ҳарфлар билан тарихга муҳрланган улкан воқеаларни эслайлик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 марта қабул қилинган “Буюқ қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиши ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарорига биноан амалга оширилган қанчадан-канча эзгу ишларнинг гувоҳи бўлдик.

Қарордан келиб чиқадиган вазифаларни ижро этишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўз ижодий ва амалий фаoliyati билан катта ҳисса кўшиди. Абай ҳазратларининг “Сайланма” асарлар тўплами, “Ўзбек-қозоқ адабий алоқалари” илмий-оммабол ва бадиий-публицистик маколалар тўплами ва башқа кўплаб китоблар ўзбек ва қозоқ адабиёти ихлосмандлари

қўлига тегди. Бу китоблар мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари, умумтаълим мактабларига беғарас ҳада этилди.

Талаба-ёшлар ва ўзувчи болалар ўртасида “Абай асарлари билимдони” иншоуп танлови ўтказилди. Абай Иброҳим түғилган 10 август санасини Ўзбекистонда кенг нишонлаш анъанага айланди.

Абай кўчаси пойтактимизнинг қўк марказидан ўтадиган Алишер Навоий номи билан аталаидан шоҳкучага туташган. Бунда накадар чукур рамзий маъно борлигини икки бовурдош ҳалқ жуда яхши англайди.

Ватанимиз Мустақиллик инг 33 йиллиги байрами арафасида Қозогистон пойтактида ўзбек халқининг улуғ сиймоси, буюқ шоир ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкални ўрнатганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

(Давоми 2-саҳифада). >



ИСРОФ НИМА ЎЗИ?

“Исроф” арабча “сарафа”, яъни “ишлатмок”, “сарф қилмоқ” ўзагидан ясалган. У “ҳисобсиз тарзда ишлатиши”, “хаддан ошиши” маъноларини аングлатади. Исрофа йўл қўйиган одам берилган неъматларни ўрнида сарфламаган ёки эхтиёждан ташқари ишлаттаган бўлади. Хўш, биз неъматларни истифода этишда исрофа йўл қўймаяпмизи?

ЧИҚИНДИХОНАДАГИ НОН

Пойтаҳимизнинг деярли ҳар бир маҳалласида чиқиндихона мавжуд. Хайрият, ҳалқимиз нонни алоҳида пакетга солиб ташлайди. Чиқиндихона ходимлари ёзда уни офтобга ёйиб, кутитишади, кейин уйида жонзот бокёётгандарга сотишади.

(Давоми 5-саҳифада). >

Бошланиши 1-саҳифада.

Розилик бердим. Катта неварам мактабга боради, кичиги ўйда. Менинг ва-зифам – шуларга қараф ўтириш. Ахир бир сўмни ким беради? Яна кўпили билан бир ой ичидаги айрим ишчи-хизматчилар иккиси ойда ишлаб топадиган пул эгаси бўлади. Шу маблагни рўзгорнинг керак-кетигига ишлатишади. Агарда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари томорка ва қўшимча томорқадан чиқишини айтсан, қишлоқ жойларда бу пулга рўзгор қозонини хеч қўйналмай беш ой қайнатиш мумкин.

Уч йил олдин Хонқа тумани ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари бўлиб ишлаб олишганда туман марказида яшовчи бир оиласдан уч киши (оила бекаси, келини ва қизи) пахта мавсумида 24 миллион сўм ишлаб олишгани ҳақида бошқаларга ибрат бўладиган мақола ёзган эдим. Ўрганганим рўйхатда терим мавсумида 20 миллиондан ошик пул ишлаб топганлар анчагина эди. Бу маблаг беш-олти кишилик оиласидан бир йиллик озиқ-овқат харажатига етиб ортади. Баъзи касб эгалари шунча маблаг топиш учун салкам бир йил ишлаб шади.

Бугун пахта терими қишлоқлар ту-ман марказларида яшайдиган, уйида бўш ўтириган аёллар учун жуда катта имкон. Кунинга 200 килограммга яқин пахта тера-диган чевар хотин-қизлар бор, ахир. Асо-сийси, ҳаво илик, иш шароити яхши. Яна фермерлар тушлика иссиқ овқат беришиади. Узоқроқдан қатнайдиган теримчилар учун мавсумда мунтазам улов – автобус, микроавтобус ёки "Дамас" ёнгил машиналарни хизматта ёллашади.

Ўтган йилги гап: пахта мавсумида эрталаб ишга бораётуб кўшни элатдаги дала майдонни теримчилар билан тўлиб-тошганига кўзим тушди. Кечқурун ишдан қайта-ётганимда не кўз билан кўрайки, эрталаб қийғос очилган пахтазор қол-кора тусга кириди. Салкам опти гектарлар даларадаги пахтани кун давомида териб олишибди.

Йўл чеккасида пахта ортилган тракторлар ёнда турган фермерга "ҳормасин" айтиб, хирмонига барака тилади. У ўзида йўқ хурсанд: "Қаранг, кече элатга "Терим пулуни тарозу устида бераман!" деб эълон қиливдим. Эрталаб юз эллик ҷоғлиқ хотин-қиз келди. Пешингача 21 тонна пахта теришиди. Ишчиларим зўрга ўлчаб, при-цепга ортиша улгуриши. Эртага нариги даларадаги пахтани терамиз. Бу борища бир ҳафтада отизларни тозаласак керак".

...Ўн йиллар олдин галла-пахта етиши-радиган кичикроқ фермер хўжалигимиз бор эди. Айни ўша йиллари пахта териш мавсумини тезкор ўтказиш тажрибаси эндиғина тамоилига кира бошлаган. Бунда терим пулуни тарози устида беришиш амалиёти или бора жорий қилинган эди. Эсимда, тўққиз гектарлар майдондаги пахтани эла-тимиз хотин-қизлари уч кунда теришган. Аммо пахта қабул қилиш заводига элтиб топширишга маҳсус ташув авравали тракторлар топишга қўйналгандик.

Ва яна эсимда қолган воея: бир куни эрталаб далаға борсам бирор эллик ҷоғли мактаб ўкувчилари аллақачон қатор оралаб кетишибди. Дала четида турган сибиқ синфдошим бўлган ўкувчилари ҳам ҳазил, ҳам чин маёнода узрини айтди: "Мактаб ўкувчилари ҳар куни фалон тонна пахта териши топширилган. Фермерлар учини теримни бошлашган, кўп отизларда пахта қолмаган. Сенинг далангда янги очилган пахта бор, деб болаларни олиб келдим. Мени ҳайдамассан!"

Бирор ҳафта олдин мактаб директори



илтимосини рад қилган эдим: "Отизимга ўкувчилар киришига йўл қўймайман!"

У энди ҳокимликдан берилган топширикли бажариш учун шу йўлни таҳлалган – синфдошимни балогардон қилган.

Анча тортишувдан сўнг барibir ўкувчиларни даладан чиқариб юбордим ва кечқурун бунинг учун ҳокимдан дакки ҳам эшигиди.

Ўша воеяни ҳозир ҳам эслаб юришади: "Сен қишлоқдаги фермерлар орасида биринчи бўлиб мактаб ўкувчиларира пахта тергизмайман!" деб қатъият кўрсатгандинг. Вақт келиб, янги Президентимиз бу ўмон анъанага тамомила чек қўйдилари"

Пахта атаплиш табиатнинг ноёб мўъжизаси шўро замонларида (мустакилликдан сўнг ҳам давом этди) барча учун, айниқса мактаб ўкувчиларира иккиси-уч ойлаб зулм воситасига айланганини катта авлод вакиллари ўз бошидан кечиришган.

...Ҳар гал "пахта" сўзини эшитганимда, эслаганимда беихтиёр кўлим ўнг кулогим устига боради. Ўнг кулогим устидаги бош бармоқ киргуллик ўйик менга ўша замонларни – пахта зулмини ҳамиша эслатиб туради.

Учинчи синфа ўқирдим. Сентябрь бошида барчамизни пахтага ҳайдашди. Бир ҳафтадардан сўнг терим машақатига мажбуран қўнига бошладик. Қўникмай иложимиз қанча?

У вақтлари кун бўйи терган пахталарни катта-катта қолларга солардик. Кечқурунга якин аравали трактор келар ва унга қолларни ортиб, пахта хирмонига юбордик. Кун бўйи чарчаганимиздан хирмонга трактор аравасида бориши орузимиз бўларди. Аммо тракторчилар аравасига миндиришмайди: "Йиқилсангу бирор корхол бўлса, мелиса олдида бош яланчоб утирамани?"

Тракторчи ён қўшнимиз – амаки оғайнимиз Ортиқ ака эди. Ўта камгап, беозор одам. Бир куни кутилмаган воея содир бўлди. Қолларни трактор аравасига ортагач, ортидан тенгкүр тўрт бола секин бориб, устига чиқиб олдик. Буни амаким кўрган экан – тракторини тўхтатди ва сўқиниб кетди. Бизлар қолларни орасидан чиқиб, ўзимизни пастга ташлаб қомоқчи бўлдик. Тракторчи пўлписа учун йўлда ётган кесакни олиб биз томонга отди...

Бошинга нимadir текканини биламан, у ёғи эсимда йўқ. Эртаси куни тонгда касалхонада ҳушимга келдим. Шифокорлар

айтишича, қаттиқ сўға тупроқли кесак бошинга зарб билан теккан – ўрни бармоқ киргуллик ўйиқа айланган.

Менга "бош мия чайқалиши" ташхисини кўйишиди. Бир ойча касалхонада даволандим. Бу орада милиция ходимлари келиб, рўй берган воеяни сўраб-сuriштириб, қандайдир қозозларга кўл қўйдириб кетишиди.

Индинига амаким бир тугунда қандакурс кўтариб келди. Кайфияти йўқ. "Мен билмай қолдим", деб кўзларига ёш олади. Мен бола бошим билан нима ҳам дейман?

Кейин билдики, бу жоҳарони "тинч йўл билан ҳал қилиш" учун ўша милиция каттаплари амакимнинг ёлзиз сиғирини сотиришган...

Ўшанда онам менинг ахволимни кўриб беихтиёр амакимни "Ўғлима кесак отган кўлларинг акашак бўлсин!" деб қарғагани учун бир умр афсусландиндиги. Сабаби, уч йилдан сўнг амаким ердан тўплланган сиғатиз пахтани қайта ишлайдиган "вороҳ" деган ускунада ишлётганида тикилиб қолган пахтани оламан деб қўлини ямлабти, бир умр ногирон бўлиб қолди.

Аслида амаким ва менда айб йўқ эди. Биз шўролар олиб борган пахта сиёсати – "пахта фронти"нинг курбонлари эди, холос.

Боғот туманига салкам ўн тўрт йил ҳокимлик қилган Рўзибай Бекчонов ярим тунда фермерлару идора-ташкилот раҳбарлари билан кунлик пахта теримини мухокама қилаётганида беихтиёр бир гапни айтиб юборган: "Бугун "Атов" мавзесидаги ҳашарчилар олдига бордим. Соғлиқни сақлаш ходимлари пахта терётган экан. Жарроҳлик бўлими ҳамшираси менга пахта чаноқлари ёриб юборган бармоқларни кўрсатиб: "Ҳоким бува, мен эртага жарроҳлик амалиётида катнашишим керак. Бу кўл билан ўлум билан олишаётган бемор танасига қандай даво килишим мумкин?" деди. Тилим тутилиб, бир оғиз гап айтиб ортимга қайтидим. Менга осон дейсизларми? Ўша шифокорлар менинг юрак ҳасталигидан жарроҳлик йўли билан ҳалос қилишганди... Боринглар, мажлис тамом!"

Ўша замонларда ҳеч кимга осон бўлмаган. Пахта мавсумида прокурор ҳар куни ўзига биринчирилган ҳудуддаги мактаб директорини "Неча бола теримга чиди? Нега кам теришди?" деб олиб бориб-олди кесакни олиб биз томонга отди...

Бошинга нимadir текканини биламан, у ёғи эсимда йўқ. Эртаси куни тонгда касалхонада ҳушимга келдим. Шифокорлар

дан лофт урадди. Фуқаролар хавфсизлиги ни сақлашга масъул ички ишлар ходимлари кунлик режаси бажарилмаган фермер кўлига киши солишаарди...

"Сизлар фақат ва факат яхши ўқишлирингиз керак!" деб "Биринчи қўнгироқ" да нутқ ёзлаган мактаб директори бирор ҳафтадан сўнг ўкувчиларни пахта далашибди.

Муҳтарам Президентимиз ана шу адоплатизликларга чек қўйдилар. Ўша ўтмиш – куни кечаги воеялар бугун ёртакка ўхшаб қолди.

Испоҳотларнинг сўнгги босқичида пахта етиширишда сонга эмас, сифатга катта этишиб каратилмокда. Энди асосий ургу етиширилган миқдордаги катта рақамларга эмас, ундан олинадиган даромад самарадорлигига қаратиляпти. Негаки...

Мустакилликка эришгунча бўлган даврда етишириган умумхосилнинг атиги 8 фоизи ўзимизда қайта ишланган. Асосий пахта хомашё сифатида сувтекинга бошқа ўлкалардаги ёнгил саноат тизимларига юборилган. Ўтган асрнинг охирларига келиб бу миқдор, яъни пахтани ўзимизда қайта ишлап 30 фоизгача кўтарилди. Ҳозирда бу рақам 80 фоизга ётди. Президентимиз пахтачилик кластерлари олдига кўрсаткични 100 фоизга ётказиш вазифасини кўйианлар.

Биргина Боғот тумани мисолида олиб қарайлар. Истиқоллашга туманини яхши кўради: "Совет замонида колхозда узоқ йиллар агрономик қилдим. Йил-ўн иккиси ой "пахта" деб ухлаб, "пахта" деб ўрниниздан турардик. Соглигимизни шу йиллари бой берганимиз. Энди эса ҳаммаси эркин, ўз йўлида. Йилда иккиси марта нуфузни санаторийларда дам оламан. Юз гектарлик майдонимизда етиширигандаги пахтани шу ёрнинг ўзида юз фоиз қайта ишлап лойиха амалиётга айлантиряпти.

Маълумки, бир килограмм хом пахта жаҳон бозорида бир доллар атрофида баҳоланади. Агарда у калавага айлантирилса, бир килограмм учун 3-3,5 доллар даромад топса бўлади. Шу калавадан кийим-кечак тайёлранса, бир килограмм пахта келтириладиган даромад 12 долларга-чоғирилди.

Собиқ шўролар даврида "миллион эгатларга сочилган ўзбек" етиширигандаги пахтасини сувтекинга, яъни хомашё сифатида

енгил саноат корхоналарига етказиб берган. Унинг бор фойдасини иссиқ, шинам ёнгил саноат корхоналарида ишлаётгандар кўришган.

Пахта аслида тинмас-битмас хазина. Ундан олинадиган маҳсулотларни санаб саноғига етиш қийин. Бир нечтасини келтирамиз: резина қувурлар, парашют, кирза тайёрлаш учун маҳсус матолар, корд материаллари, кинотасмалар, лак ва бўёқлар, олий навли қозозлар. Чигитидан истеъмол ёғи олинади. Пахта ёғи олинганидан сўнг қолган чиқитидан саноат ёғи, алиф, улардан эса глицерин, стеорин, хўжалик ва атир совунлари ишлаб чиқарилади. Энг сўнгги чиқинчиси – шорт ва шелуха чорва учун тўйимили озуқа.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалигидаги пахта каби кўп маҳсулот олинадиган бошқа экин тури йўқ.

...Бир вақтлари олти миллион тонна учун бели майб, жигари сўхта, пушти ногирон бўйлан "олтин кўлли" халқимиз бугун ўз ёркани кўлига олиб, салкам бир аср зулм воситаси бўлган бечора пахтани қайта ардоклашга ўтди. Етишириш деярли иккиси камайтани ҳолда, олинётган даромад бир неча баравар кўп бўлаёттир. Яъни, кечаги текин хомашё тайёр маҳсулотга айланмоқда. Пахтадан бўшаган майдонларга бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари экилёттир. Минглаб гектар боғлар барпо қилинган. Булар эса бозорларимиз тўкин, нарх-наволар арzonлигини таъминлаш билан бир қаторда минг-минглаб юртдошларимиз учун бошқа соҳаларга ихтисослашган фермер хўжаликлари тузиб, иш ўрнлари очиши ва салмоқларни даромад топшишига замин яратиб бермоқда.

Шу ўринда кичик мисоп: бизга қўшини Дехконобод қишлоғидаги барча пахта майдонлари фуқароларга узумчилик учун ажратиб берилди. Қишлоқдаги бешта маҳаллада яшәтган салкам йигирма минг ададли аҳоли ҳар йили ўртача 14-15 миллион долларлик узумни четга экспорт келишимоқда.

Элатимиздаги фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Юсуфбой ака Рўзметов бир гапни кўп тақорибларни яхши кўради: "Совет замонида колхозда узоқ йиллар агрономик қилдим. Йил-ўн иккиси ой "пахта" деб ўрниниздан турардик. Соглигимизни шу йиллари бой берганимиз. Энди эса ҳаммаси эркин, ўз йўлида. Йилда иккиси марта нуфузни санаторийларда дам оламан. Юз гектарлик майдонимизда етиширигандаги пахтани шу ёрнинг ўзида юз фоиз қайта ишлап лойиха имкониятида ётди. Олдинлари пахтани қ

